АМАЛИЙ МАЗМУНДАГИ МУСТАҚИЛ ИШЛАР – КИМЁНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ АНГЛАШ ГАРОВИ

Б.М.Дўмонов

Мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг экологик саводхонлигини ошириш, кимё фани ва саноатининг кундалик турмушдаги аҳамиятини англашлари борасида мавжуд муаммолар ёритилган, уларнинг самарали ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари акс эттирилган.

Калит сўзлар: *кимёвий билим ва кўникмалар, амалий аҳамият, ўқитишнинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили, экологик меъёр.*

В статье рассматриваются проблемы повышения экологической грамотности, осмысления значения химии и химической промышленности в повседневной жизни учащимися средних общеобразовательных школ, а также результаты научно-исследовательской работы по эффективному решению этих проблем.

Ключевые слова: *химические знания и умения, практическое значение, принцип связи обучения с жизнью, экологические нормы.*

The article discusses the importance of chemistry as a science, as well as chemical industry of today,it also treats the problem of development of ecological culture, increase of natural – scientific literacy of schoolchildren.

Key words: *chemical knowledge and skills, practical meaning, the didactic principle of theory with practice, life, ecological norms.*

Б.М.Дўмонов *– АДУ умумий кимё кафедраси катта ўқитувчиси.*

Сўнгги йилларда ўқувчиларнинг кимё ўқув предметини ўрганишга бўлган қизиқишининг пасайиши кузатилмоқда. Инсонларнинг кундалик ҳаёти, турмушидаги аксарият уй-рўзғор жиҳозлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак кабилар кимё саноати маҳсулотлари эканини, уларнинг аҳамияти кун сайин ортиб бораётганини ҳисобга олсак, бу жуда ачинарли ҳолдир. Шу билан бирга, кимё ўқув предметини ўрганишга ажратилган ўқув соатлари ҳажми камайиб, ўрганиладиган материал мазмуни ва қамрови кенгайиб бормоқда. Натижада инсонлар учун кимёвий билим ва кўникмаларнинг зарурлиги ҳамда амалда ўрганилаётган материалнинг аҳамиятини англамаслик орасида зиддият пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда кимё ўқитиш амалиётининг бошланғич босқичида кимё ўқув предметидан назарий тушунчаларнинг кўплиги ва мантиқий фикрлаш кўникмаларининг етарлича шаклланмагани ўртасидаги зиддият ҳам ўқувчиларнинг кимё ўқув предметини ўрганишга бўлган интилишларининг пасайишига олиб келмоқда.

Кимё фанининг асосий вазифаси ўқувчиларда кимёвий моддалар билан ишлаш маданиятини шакллантириш, яшаш муҳитида экологик меъёрлар ва ўзини тутиш қоидалари билан таништиришдан иборатдир.

Ўқитишнинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили асосида ўқувчиларда кимё ўқув предметига бўлган қизиқиш, билиш фаоллиги, қизиқувчанликни ошириш бугунги кунда замонавий умумтаълим мактабларнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу масала ечимига бугунги кунда услубий адабиётларда ва мактаблар амалиётида катта эътибор қаратилган.

Кимё ўқитиш методикасида кимёнинг ҳаёт билан боғлиқлигини ифодаловчи ишлар мавжуд. Масалан, билиш мотивацияларининг турли аспектларини, кундалик турмуш билан боғлиқ топшириқларни ишлаб чиқишни, кўплаб тарихий маълумотлар ва намойишли тажрибалардан фойдаланишни таклиф этишган [1-3].

Олиб борилган ишларга қарамасдан, ўқитишнинг амалиёт, ҳаёт билан боғлиқлиги тамойили асосида ўқув жараёнини олиб бориш самарадорлиги етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун биз томонимиздан Республикамиз умумтаълим мактаблари 7, 8, 9-синф ўқувчилари учун кимёнинг амалий аҳамиятини ўзида ифодаловчи, кимёвий билим, кўникма ва малакаларни самарали шакллантириш, ривожлантириш, экологик саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилувчи, кимё ўқув фани асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини оширувчи амалий мазмундаги мустақил ишлар қатор мактабларда педагогик тажриба-синовдан ўтказилмоқда [4-6].

Олиб борилган тажриба-синов ишларининг дастлабки таҳлили натижалари қуйидаги диаграммада ўз ифодасини топган:



1- дастлабки босқичда, 2-сўнгги босқичда

1-расм. *Амалий мазмундаги топшириқларнинг ўқувчиларнинг билим сифатига таъсири*

Бу ерда ўқувчиларнинг билим сифати экспериментал синфларда 17,7 % га, назорат синфларида эса 11,9 % га, яъни экспериментал синфларда билим сифати назорат синфларга нисбатан 5,8 % га ортганлигини кўриш мумкин.

Амалий мазмундаги мустақил ишлардан умумтаълим мактаблари кимё таълимида самарали фойдаланиш кимё фани ва кимё саноати ривожланиши, кимёвий маҳсулотларнинг кишилар ҳаётидаги роли юзасидан тушунчаларни, ки-

мёвий бирикмаларнинг хоссаларига доир кимёвий билим ва кўникмаларни тўғри шакллантириш, инсонларнинг кимёвий бирикмаларга нисбатан хавфсираши, яъни “хемофобия” асоратларидан халос бўлишига ва пировард натижада уларнинг кимёвий дунёқарашлари кенгайиши, ижтимоий онгда экологик маданиятнинг ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Маркова А.К. Формирование мотивации учения в школьном возрасте: Пособие для учителя. - М.: Просвещение, 2001

2. Пичугина Г.В.Прикладная направленность изучения химии: от теории к практике.// Химия в школе.- 1997.- №1.- С.50-54.

3. Александрова М.М., Суровцева Р.П. Методика проведения комплексных экскурсий впроцессеобучения химии:Методические рекомендации.- М., 1984.

4. Аскаров И.Р., Думанов Б.М. Использование заданий с практическим содержанием для развития учебной деятельности учащихся. //Материалы научно-практической конференции «Актуальные проблемы школьного химического образования» посвящённой 42-ой Международной Менделеевской олимпиаде. – Т., 2008. – С. 54-55.

5. Аскаров И.Р., Думанов Б.М. Значение домашнего химического эксперимента в повышении интереса учащихся к химии. //Материалы научно-практической конференции “Актуальные проблемы школьного химического образования” посвящённой 42-ой Международной Менделеевской олимпиаде: – Т., 2008.– С. 69 - 70.

6. Дўмонов Б.М. Кимё таълими самарадорлигини оширишда амалий мазмундаги мустақил ишларнинг роли // Ёш олимлар ахборотномаси. – Т., 2011. – №1 . – Б. 55-61

2014 йил 13 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)